

Субҳона роббиял аъло

11:15 / 02.02.2018 8502

Абу Абдуллоҳ Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Кечаларнинг бирида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. У зот Бақара сурасини ўқий бошладилар. Мен юзинчи оятда рукуъ қилсалар керак, десам, у зот давом эттирдилар. Бақара сурасини бир ракатга ўқисалар керак, десам, у зот яна давом эттирдилар. Энди рукуъ қилсалар керак, десам, у зот Нисо сурасини ўқий бошладилар. Сўнгра Оли-Имрон сурасини ўқий бошладилар. Ўқиганларида охиста, ҳарфларини аниқ қилиб тиловат қилардилар. Агар тасбеҳ ояти ўтса, тасбеҳ айтардилар. Агар сўраш ояти келса, сўрардилар. Агар паноҳ тилаш ояти келса, паноҳ тилардилар. Сўнгра рукуъ қилиб, унда «**Субҳона роббиял азийм**», деб айтардилар. Рукуълари тик туришларига яқин бўлди. Сўнгра «**Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, роббана лакал ҳамд**», деб узун тик турдилар. У тик туришлари рукуъларига яқин бўлди. Сўнгра сажда қилиб, «**Субҳона роббиял аъло**», деб сажда қилдилар. Саждалари ҳам тик турганларига яқин бўлди».

Имом Муслим ривоятлари.